



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖОЙЛАРИДА ХОДИМЛАРНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турсунов Акрамжон Баходиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ташкилий-штаб

фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164353>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Вазирлар Маҳкамаси, Жазони ижро этиш департаменти, жазони ижро этиш муассасаси, конституция, маҳкум, ҳуқуқ ва эркинлик, сиёсий, маҳкумлар ҳуқуқлари, фармон, қарор, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятида олиб борилаётган ислоҳотлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларининг ташкилий ва ҳуқуқий таъминлаш асосларини такомиллаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, маҳкумлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли кафолатлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимда жорий қилинаётган янгиликлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ва мазкур тадбирларнинг самарадорлиги масалалари таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар шуни кўрсатадики, давлатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятни қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш борасида жадал суръатларда одимламоқда. Ушбу мақсадларда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий йўналиши инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланди. Бу борада аҳолининг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни қабул қилиш билан бир қаторда, уларни жамият ҳаётига кенг татбиқ этишни таъминлаш мақсадида мамлакатда бир неча ҳуқуқий институтлар ташкил этилди. Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақида маълумот тўплаш ва ҳуқуқлари камситилган шахсларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили – Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ташкил этилди. Ушбу ислоҳотлар ва ташкил этилган ҳуқуқий институтларда жамиятни барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишлари, юқори даражадаги ҳуқуқий билимлари ҳамда уларни кундалик турмуш тарзида қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизими барпо этилди.



Конституциямиз мақаддима қисмида, Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади дейилгани ҳам бежизга эмас. [1]

Жамиятимизнинг турли хил жабҳаларини яхшилаш ва замонавийлаштиришдаги ислохотлар қаторида жиноят-ижроия тизимида ҳам маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кенгайтириш, жиноий жазонларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни қўллаш принципларини адолатли амалга ошириш ва уларнинг тартиби ва шартларини халқаро инсон ҳуқуқлари тамойилларига жавоб берадиган даражада таъминлаш, маҳкумларни ахлоқини тарбиялаш воситалари, усуллари ҳамда уларни қўллаш тартибини мустаҳкамлаш жазони ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 11 августда имзоланган ПҚ-3200-сонли Қарорда таъкидланганидек, бугунги кунда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришнинг қўйидаги, яъни қамоққа олинган шахслар ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини, уларнинг шаъни ва инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш, жазони ижро этиш тизимида хизмат қилаётган ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда улар томонидан коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатлари юз беришининг олдини олиш, маҳкумларнинг қонуний талабларга ва жамиятда ўрнатилган ҳулқ-атвор қоидаларга сўзсиз риоя этиш маданиятини, маънавий-ахлоқий ва билим савиясини юксалтиришга интилишларини шакллантириш мақсадида уларни қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш жараёнини такомиллаштириш, фуқаролар билан маҳкумларни жиноят-ижроия соҳасида ташвишга солаётган ҳар қандай муаммоларни ижобий ҳал этишда самарали мулоқот ўрнатиш, жазо муддатларини ўтаб озодликка чиқарилган шахсларнинг жамиятда ижтимоий мослашувларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, тизимга малакали ппрфессионал кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни махсус касбий тайёргарликдан ўтказиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида самарали механизмларни амалиётга тадбиқ қилиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича ҳунар ва умумтаълим дастурларини амалга ошириш доирасида маҳкумларни, хусусан вояга етмаган ва маълумотга эга бўлмаганларни ўқитиш сифатини ошириш, урнинг мавжуд билим ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда иш билан таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, шу билан бирга ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга қулай шароитлар



яратишни назарда тутувчи ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация технологияларини фаолиятда кенг қўллаш каби асосий йўналишларни амалга ошириш Ички ишлар вазирлигининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.[2]

Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Жазони ижро этиш департаменти, унинг бўлинмалари ва муассасаларининг фаолиятига ҳисоб маълумотларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқини фақат прокуратура органларига берган ҳолда маҳкумларга қўлланилган интизомий жазоларни автоматлаштирилган ҳисобини юритиш тизимини, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларни назорат қилиш ва текшириш бўйича замонавий техник воситаларини ҳамда Жазони ижро этиш департаменти, унинг бўлинмалари ва муассасалари ўртасида, шу жумладан маҳкумларга масофали видео-учрашув ташкил этиш имкониятини назарда тутган ҳолда ҳимояланган алоқа канали бўйича видеоконференция тизимини босқичма-босқич жорий этилиши таъминланиши ва жазони ижро этиш муассасалари, уларнинг ташкилотлари 2023 йил 1 январгача бўлган даврда барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилиши белгиланган. Мазкур қарор билан юқорида келтириб ўтилганидек жазони ижро этиш тизимини мустаҳкамлаш ва озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқлари, экинликлари ва қонуний манфаатларини кенгайтириш борасида сезиларли ислохотлар амалга оширилиши белгиланганлиги ҳукуматимиз томонидан соҳага қанчалик юксак эътибор берилаётганлигини яққол намоён этади.

Юқорида таъкидланган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, сўнгги йилларда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишини ишончли таъминлаш, инсоний қадр-қиммати ва шаънини ҳурмат қилиш, соҳада мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва коррупция ҳолатларини батамом тугатиш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техник базасини замон талабларига мос даражада мустаҳкамлаш бўйича бир қанча тадбирлар қаторида муассасаларнинг фаолияти чуқур ўрганилганлиги, маҳкумларга таълим беришда инновацион педагогик технологиялар қўлланила бошланди, бу борада аввало, вояга етмаган тарбияланувчилар ва касб-хунари бўлмаган маҳкумларни касбга тайёрлаш механизмлари қайта ўрганилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг жазони ижро этиш хизматини мониторинг қилиш борасидаги ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур ислохотларнинг замирида аввало маҳкум шахси, шаъни ва инсоний қадр-қимматининг камситилмаслиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонунда назарда тутилган эркинликларининг мустаҳкам таъминланиши, жазони ижро этиш тизимида хизмат олиб бораётган ходим ва ишчи-хизматчиларнинг фаолиятларида ўз хизмат мажбуриятларини ситқидилдан ватанарварлик хисси билан адо этишлари, маҳкумлар билан ноқонуний алоқага киришмасдан ноўрин хатти-ҳаркатлар қилишдан ўзларини тийишлари, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишлари ва бошқа шу каби кўзланган ижобий мақсадлар ўз ифодасини топади. Жиноят-ижроия қонунчилигининг вазифаси ҳам жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш,



махкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.[3]

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органларининг фаолиятини «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»[4] тамойили асосида янгидан ташкил этиш мақсадида, жазони ижро этиш тизимига ҳам мутлақо янги замонавий механизм ва қатъий тартиблар жорий этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 5 мартда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда бу борадаги илғор ютуқларни уларнинг фаолиятига татбиқ этиш мақсадида “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 128-сон қарор имзоланди. Қарорга мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини; жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг ҳудудларини жиҳозлашга қўйиладиган умумий талабларни, муассасаларда режим турларини, уларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлашни; маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлашни; маҳкумлар билан тарбиявий ишлар олиб боришни, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни; жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишни ва маҳкумларнинг бандлигини таъминлашни назарда тутувчи Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасалари тўғрисидаги низом, 14 та жазони ижро этиш колонияларининг 60 та яшаш ётоқхоналарини кубрик типидagi хоналарга ўзгартириш йўли билан реконструкция қилиш ва 3 та янги бино қуришни назарда тутувчи 2020-2024 йилларда жазони ижро этиш колонияларининг яшаш ётоқхоналарини кубрик типидagi хоналарга ўтказган ҳолда уларни босқичма-босқич қуриш ва реконструкция қилиш дастури ҳамда 18 та жазони ижро этиш колонияларини 1833 дона видеокузатув мосламалари ва 36 комплект шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) ўрнатилишини ҳамда Пробация хизмати амалиётига 3 000 дона электрон браслетларни татбиқ этишни назарда тутувчи 2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш дастури ишлаб чиқилиб, белгиланган вазифалар амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқда.[5]

2022 йил 13 июлда “Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори имзоланиб, унда жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ва маҳкумларнинг қочиш ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида уларни конвой қилиш жараёнини онлайн тарзда кузатиш тизими жорий этилиши, конвой остидаги шахслар қочишга уринган (электрон браслетни ечиш, шикаст етказиш, конвойчи ходимдан узоқлашиш



ва бошқа) ҳолатлар ҳақидаги товушли ва визуал хабарни онлайн режимда автоматик тарзда бириктирилган конвойчи ходимга ва ҳудудий ички ишлар органлари, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмларига узатиш имконияти яратилиши, конвой ҳаракатлари давомида қочиб кетган конвой остидаги шахсларни уларга тақилган электрон браслетлардан узатилаётган "GPS" сигналларига мувофиқ "иссиқ изи"дан ушлаш чораларини кўриш йўлга қўйилиши, электрон браслетларни сақлаш, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари томонидан электрон браслетларни тарқатиш ҳамда қабул қилиш тартиби, улардан хизматда фойдаланиш, браслетга шикаст етказилганда ёки йўқотилганда моддий зарарни ундириш тартиби, браслетларни қўллашда конвой бўлинмалари ходимларининг ҳамда конвой остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган. [6]

Мазкур 383-сонли қарорда аҳолининг тинч, осойишта ҳаётини таъминлаш, массасада ҳамда унинг атрофида жойлашган ҳудудда ҳар қандай кўринишдаги салбий ҳолатлар юз беришининг олдини олиш ва хулоса қилиб айтганда хавфсизлик нуқтаи назардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан келгусида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларидан 50 метр масофада маъмурий, маиший, хўжалик бино ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари ажратилишига, улар ижарага берилишига, шунингдек, баландлиги 6 метрдан юқори бўлган бино ва иншоотлар қурилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижаларининг самарадорлигини ўрганиш жараёнида, жиноят-ижроия тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳамда бу борада эришилган ижобий натижаларни инobatга олган ҳолда, манзил-колонияларда жазо муддатларни ўтаётган ҳамда шартнома асосида объектларда меҳнат қилалаётган маҳкумларнинг белгиланган объектни рухсатсиз ташлаб кетиш ва қочиш ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ишлатиши мумкин бўлган уяли алоқа воситаларининг телефон рақамлари, ушбу телефон орқали улар ким билан, нима ҳақида ва қачон гаплашаётганлигини кузатиб бориш учун улар жазо муддатини ўтаётган колонияда ёки Жазони ижро этиш Департаментида марказлашган ягона тармоқ базасини ташкил этишни таклиф этаман. Бу орқали маҳкумлар томонидан келгусида содир этилиши мумкин бўлган айрим салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, манзил-колония ёки меҳнат қилаётган шартнома объектидан номаълум томонга кетиб қолганда (қочганда) уларни қидирув тадбирларини ташкиллаштириш ва уларнинг маълум бир қисмини зудлик билан ушлаб келтириш ҳамда бошқа шу кабиларда ходимларнинг хизмат фаолиятини такомиллаштириш, ишчи кучи ҳамда маблағларнинг ортиқча сарфланишини олдини олишга эришиш мумкин деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтганда, бутун дунёда кучайиб бораётган турли хил хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар давлатнинг масъул тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-



ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Жумладан, озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳамда жамиятимиз аъзоси ҳисобланмиш бошқа фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак»[7] тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, инсон манфаатларига хизмат қилиш йўлида жазони ижро этиш хизматининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли кенг ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3200-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [URL:http://www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 2-модда. 2-бет. [URL:http://www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3919-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 128-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июлдаги “Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли Қарори.
7. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти. Пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.